

буки
тулов
ул.

ШАРТНОМА
Почта маркаси ва почтага тегишли бошқа
товарлар билан таъминлаш хусусида
№ 13

«11» 01 2022 йил

Тошкент ш.

Ушбу шартнома «Ўзбекистон почтаси» АЖ «Тошкент почтамти» филиали (келгусида «Почта» деб юритилади) номидан 26-20/38 -сонли ишончнома асосида иш юритувчи директори Ю.М.Мирсоатов шахси орқали бир томондан, Низомга асосан иш юритувчи «Ипотек» банк - банк = АТБН 10-1000 ф.ш. (С. Рашидов) иккинчи томондан (келгусида «Харидор» деб юритилади), мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. Шартнома моҳияти

1.1. «Ўзбекистон почтаси» АЖ «Тошкент почтамти» филиали томонидан стандарт маркаларни, товарларни етказиб бериш.

1.2. Етказиб бериладиган товарни шартнома тузиш вақтидаги миқдори нархи ва етказиб бериш муддати шартноманинг иловасида келтирилган.

2. Ҳисоб китоб қилиш тартиби

Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС	Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
<u>марка</u>		<u>400</u>	<u>13800</u>	<u>= 1,520,000</u>		
Жами тўлашга:				<u>1,520,000</u>		

2.1. «Харидор» олинadиган товарлар учун олдиндан 100 % тўловни «Почта» ҳисоб рақкамига тўлаб беради.

2.2. «Почта» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва тўловдан сўнг 5 кун муддат ичида товарни «Харидор»га беради.

2.3. Етказиб берилган товарлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Харидор» ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1.1. «Почта»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.1.2. «Почта»дан мазкур шартномага мувофиқ берилadиган, буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган товарларни талаб қилиш.

3.2. «Почта»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.2.1. Етказиб берилadиган товарлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил кесил ҳисоб қилинишини «Харидор»дан талаб қилиш.

3.2.2. Товарларни мазкур шартномага асосан «Харидор» буюртномасига мувофиқ муддатларда, сифат ва миқдорда етказиб бериш

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Почта», «Харидор» кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

4.2. Етказиб берилган товарлар учун уз вақтида ҳақ тўланмаганда «Харидор» «Почта»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товарни етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этилмайди.

5. Томонларнинг келишмовчилик ва баҳсларини ҳал этиш

5.1. Ушбу шартномани бажаришда келиб чиқадиган барча келишмовчиликлар томонлар ўртасида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

5.2. Ушбу шартномани бажаришда келиб чиқадиган низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

6. Шартноманинг амал қилиш муддати

6.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

6.2. Мазкур шартнома томонларнинг бири иккинчисини бир ой олдин огоҳлантирилган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

6.3. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга.

6.4. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг келишувига асосан киритилади.

7. Форс-мажор

7.1. Томонлар мазкур шартнома тузилгандан сўнг олдиндан кўзда тутилмаган, оқилона, чоратадбирлар билан олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисалар натижасида мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли тарзда бажара олмаган бўлсалар, ушбу шартномадаги мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажаришдан озод этиладилар.

7.2. Бартараф этиб бўлмайдиган тўсиқлар вужудга келган вазиятларда ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай вазиятлар ва уларнинг оқибатлари йўқолган кунга қадар узайтирилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

«Почта»

«Харидор»

«O'ZBEKISTON POCHTASI» AJ
«TOSHKENT POCHTAMTI» FILIALI
100000 Toshkent, Shahrisabz ko'chasi, 7-uy
K/R 2021 0000 3001 5526 6055
ATB «ALOQA BANK» MFO 00401
INN 200 833 833 XXTUT 53100

«IOTEKA BANK» ATIB YUNUSOBOD FILIALI
TOSHKENT SHAHAR, YUNUSOBOD TUMANI, A.TEMUR 89-UY.
H/R: 1990 9000 7000 0083 7180
BANK: «IOTEKA BANK» ATIB YUNUSOBOD FILIALI
MFO: 00837 INN: 202235389 OKЭД: 64190
TEL.: 150-79-60 234-51-07
BOSHQARUVCHI:

